Ўзбекистон Республикаси
Бухоро вилояти
Вобкент туман хокими
ҚАРОРИ



O`zbekiston Respublikasi
Buxoro viloyati
Vobkent tuman hokimi
QARORI

2020 йил "10" 08 Вобкент шахри 823

Тумандаги корхона, ташкилот, муассасалар ва таълим муассалари ҳамда ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан ҳарбий рўйхатга олиш ишларини ташкил этиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси "Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида"ги қонуни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 4 мартдаги 119-сонли "Ўзбекистон Республикаси фуқароларини ҳарбий рўйхатга олиш тўғрисида"ги Низомни тасдиқлаш ҳақидаги" қарорига асосан, Вобкент туманидаги корхона, ташкилот, муассасалар, таълим муассасалари ва ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан ҳарбий рўйхатга олиш ишларини самарали ташкил этиш, назорат қилиш ва ушбу тадбирларни сифатли ўтказиш мақсадида

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Туман Мудофаа ишлари бўйича бўлими (М.Палваниязов) томонидан Вобкент тумани ҳудудида жойлашган корхона, ташкилот ва муассасаларида ҳарбий хизматга мажбур фуқароларнинг ҳарбий ҳисобини юритиш ва ушбу тоифани иқтисодиёт тармоқларига брон қилиш ишларини ташкил этиш ва олиб боришга доир ишлар ҳолатини 2020 йил давомида ўрганиш жадвали 1-иловага, ўзини ўзи бошқариш органларида ҳарбий хизматга мажбур фуқароларнинг ҳарбий ҳисобини юритиш ишларини ташкил этиш ва олиб боришга доир ишлар холатини 2020 йил давомида комплекс ўрганиш жадвали 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Тегишли корхона, ташкилот ва муассасалар, ўзини ўзи бошқариш органлари мазкур жадвалларда белгиланган муддатларда ҳарбий ҳисобга оид тегишли барча ҳужжатларни туман мудофаа ишлари бўлимига тақдим этсинлар.

3. Ҳарбий рўйхатга олиш тадбирларини бажариш жараёнида тумандаги корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва таълим муассасалари маъмурияти қуйидагиларга мажбурлиги белгилансин:

мазкур корхона, муассаса, ташкилот ва таълим муассасасининг барча ҳарбий хизматга мажбурлар ва чақирилувчиларини Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ва Давлат статистика қўмитаси томонидан белгиланадиган қоидалар ва шакллар бўйича тўлиқ ва сифатли рўйхатга олинишини таъминлаш;

захирадаги офицерлар гувоҳномаларидаги, ҳарбий гувоҳномалардаги, қайд этиш гувоҳномаларидаги ва муқобил хизмат хизматчиларининг гувоҳномаларидаги ёзувларни уларнинг шахсий карточкаларидаги (Т-2-шакл) ёзувлар билан доимий равишда аниқлаштириб бориш ҳамда ушбу карточкаларни солиштириш учун ҳар йили камида бир марта туман мудофаа ишлари бўлимига тақдим этиш;

ҳарбий хизматга мажбурлар ва чақирилувчиларнинг оилавий аҳволи, яшаш жойи манзили, хизматдаги мавқеи, умумтаълим ва техник тайёргарлигидаги ўзгаришларни мунтазам равишда ҳисобга олиб бориш ҳамда беш кун муддатда

ушбу ўзгаришларни уларнинг шахсий карточкаларига киритиш, бу тўғрида тегишли ҳарбий рўйхатга олиш органларига улар томонидан белгиланадиган муддатларда, лекин ҳар ойда камида бир марта маълум қилиш;

раҳбарлар, муҳандис-техник ходимлар ва малакали ишчилар таркибидаги ҳарбий хизматга мажбурлар сафарбарлик даври ва уруш даври учун Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёти тармоқларига брон қилиб қўйилишини ўз вақтида расмийлаштириш;

ишга (ўқишга) янги қабул қилинган ёки ишдан (ўқув юртидан) бўшатилган барча ҳарбий хизматга мажбурлар ва чақирилувчилар тўғрисида етти кун муддатда туман мудофаа ишлари бўлимига хабар қилиш.

4. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қуйидагиларга мажбурлиги белгилансин:

ўзлари хизмат кўрсатадиган ҳудудда яшовчи барча ҳарбий хизматга мажбурлар ва чақирилувчилар тўлиқ ва сифатли рўйхатга олинишини таъминлаш;

ҳарбий хизматга мажбурлар ва чақирилувчиларни бошланғич рўйхатга олиш карточкаларини захирадаги офицерлар гувоҳномалари ва ҳарбий гувоҳномалардаги, қайд этиш гувоҳномалари ва муқобил хизмат хизматчилари гувоҳномаларидаги ёзувлар билан мунтазам равишда солиштириш ҳамда ушбу карточкаларни бир йилда камида бир марта солиштириш учун туман мудофаа ишлари бўлимига тақдим этиш;

ўн кун муддатда ҳарбий рўйхатга олинган ва ундан чиқарилган барча ҳарбий хизматга мажбурлар ва чақирилувчилар тўғрисида туман мудофаа ишлари бўлимига хабар бериш.

5. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида, корхона, ташкилот ва муассасаларда ҳарбий хизматга мажбурлар ва чақирилувчиларни ҳарбий рўйхатдан ўтказишни ташкил этиш ва юритиш ишларига умумий раҳбарлик ва назорат қилиш тегишли қонун ҳужжатлари талабларига қатъий риоя қилган ҳолда туман мудофаа ишлари бўлими (М.Палваниязов) томонидан амалга оширилсин.

6. Тумандаги корхона, ташкилот, муассасаларга ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 4 мартдаги 119-сонли қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси фуқароларини ҳарбий рўйхатга олиш тўғрисида”ги Низом” талабларига қатъий риоя қилган ҳолда ҳарбий хизматга мажбурлар ва чақирилувчиларни тўлиқ ва сифатли рўйхатга олинишини таъминлаш топширилсин.

7. Туман ҳокимининг 2019 йил 20 мартдаги 1835-сонли қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

8. Мазкур қарор “Вобкент ҳаёти” газетасида эълон қилинсин ҳамда ҳокимликнинг расмий веб-сайтига жойлаштирилсин.

9. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

10. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари Ғ.Джунаитов ва туман мудофаа ишлари бўлими бошлиғи М.Палваниязов зиммаларига юклатилсин.

Туман ҳокими **Б.С.Бафоев**

Вобкент тумани хокимининг
“10” 06 2020 йилдаги
688-сонли карорига 1-илова

Вобкент тумани ҳудудида жойлашган корхона, ташкилот ва муассасаларида ҳарбий хизматга мажбур фуқароларнинг ҳарбий ҳисобини юритиш ва ушбу тоифани иқтисодиёт тармоқларига брон қилиш ишларини ташкил этиш ва олиб боришга доир ишлар ҳолатини 2020 йил давомида ўрганиш

ЖАДВАЛИ

Т.р	Ташкилот муассаса, корхона ва таълим муассасасининг номи	Ўрганиш ўтказиш санаси
1	Вобкент туман Давлат солиқ инспекцияси	22.05.2020 йил
2	Вобкент туман тиббиёт бирлашмаси	04.06.2020 йил
3	Вобкент туман Молия бўлими	07.07.2020 йил
4	Бухоро йўл кўкалам унитар корхонаси	05.08.2020 йил
5	ТИФ Миллий банк Вобкент туман филиали	15.09.2020 йил
6	Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси Вобкент туман бўлими	13.10.2020 йил
7	Вобкент туман давлат санитария-эпидемиологик осойишталик маркази	04.11.2020 йил

Вобкент тумани хокимининг
“10” 06 2020 йилдаги
06-сонли қарорига 2-илова

Тумандаги ўзини ўзи бошқариш органларида ҳарбий хизматга мажбур фуқароларнинг ҳарбий ҳисобини юритиш ишларини ташкил этиш ва олиб боришга доир ишлар холатини 2020 йил давомида комплекс ўрганиш

ЖАДВАЛИ

Т.р	Ўзини ўзи бошкариш органи номи	Ўрганиш ўтказиш санаси
1	Ҳалвогарон МФЙ	25.05.2020 йил
2	Диёр МФЙ	08.06.2020 йил
3	Кўлхатиб МФЙ.	24.06.2020 йил
4	Шохнигор МФЙ	13.07.2020 йил
5	Қўқин МФЙ	28.07.2020 йил
6	Латифсобунгар МФЙ	10.08.2020 йил
7	Бешработ МФЙ	07.09.2020 йил
8	Чангарон МФЙ	23.09.2020 йил
9	Пушмон МФЙ	21.10.2020 йил
10	Пахтакор МФЙ	12.11.2020 йил
11	Бозоржойи МФЙ	09.12.2020 йил